**Барча юридик корхоналар, муассалари ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича ҳизмат кўрсатиш**

**Шартномаси№ 9**

**«11» январ 2022 йил**

**Поп тумани**

Бундан буён матнда “Хизмат кўрсатувчи” деб аталувчи корхона тўғрисидаги Низом асосида фаолият олиб борувчи Наманган вилоят “Тоза-худуд” Поп туман филиали номидан Ф.Ўришев бир томондан ва бундан буён матнда «Буюртмачи» деб юритилувчи АТБ Қишлоқ қур. банк Поп. ф. номидан раҳбар И.И. Амиров иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

## 1. Шартнома мазмуни

1.1 “Буюртмачи” топширади, “Хизмат кўрсатувчи” эса шартномада кўрсатилган ҳақ эвазига «Буюртмачи» томонидан маҳсус белгиланган жойга йиғилган қаттиқ маиший чиқиндиларни (бундан буён матинда ҚМЧ) олиб чиқиб кетишини ўз зиммасига олади, “Буюртмачи” эса ҳизмат тўловларини тўлаб бериши шарт.

1.2 Қ.М.Ч ларнинг умумий хажми бир ойга 4 м3,бир йилга 48 м3 ташкил этади.

1.3 Ушбу шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги нарх хар бир м3 ҚМЧ учун **30000** сўм, ҚҚС (15%)билан **34 500** сўм.

1.4 Шартнома бўйича бир ойлик суммаси 138000 бир йиллик кузда тутилган тўлов суммаси 1656000 сўм.

## 2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари.

2.1 Йирик хажмдаги чиқиндилар ва шох шаббаларни ташиб кетиш учун алоҳида ҳақ эвазига бир марталик шартнома тузиш.

2.2 ҚМЧ ни олиб чиқиб кетиш йўланиш жадвали бўйича (тўпланган ҚМЧ 7м.куб.дан кам бўлмаган холда) доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда ____________________________телефонига телеграмма йўллаш орқали “Хизмат кўрсатувчи”га маълумот бериш.

2.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қаттиқ маший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 22.11.2018 йилдаги 5580- фармонининг 2 бўлим (в) бандида қаттиқ маший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўлов истеъмолчилар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузулган шартномаларга мувофиқ бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотлар 100 фоиз олдиндан тўлаш асосида амалга оширилиши белгиланган 2020 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб жорий этилиш кўрсатиб ўтилган.

## 3 “Хизмат кўрсатувчи”нинг мажбуриятлари

3.1 Шартномада кўрсатилган ҚМЧ ташланадиган махсус манзилдан чиқиндиларни махсус автомашиналарда жадвал асосида олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

3.2 “Буюртмачи”нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов ҳисобига курилиш ва йирик хажмдаги чиқиндиларни, шох шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш.

3.3 Ҳар ой бошида ўтган хисобот ой учун шартнома асосида “Буюрмачи” ҳисоб рақамига тўлов талабномасини юбориш.

3.4 “Буюртмачи” томонидан ҚМЧ ни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида кўрсатилган манзилдан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.

## 4 Томонларнинг жавобгарликлари

4.1 “Буюртмачи”шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган суммани 0.4% миқдорида лекин кечиктирилган тўловнинг 50% дан ошмаган миқдорда “Хизмат кўрсатувчи”га пеня тўлайди.

4.2‘Хизмат кўрсатувчи’шартномада белгиланган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарлича бажармаганлиги учун‘Буюртмачи’га хар бир холат учун бир ойлик шартнома ха

қидан 1% микдорида жарима тўлайди.

4.3 Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этилмайди.

**5. Қўшимча шартлар**

5.1‘Хизмат кўрсатувчи’хом ашё, ёкилғи мойлаш махсулотлари ва энг кам ойлик иш хақи миқдори ўзгариши муносабати билан белгиланган тартибда таъриф суммаси ўзгарганда ‘Буюртмачи’ни бу тўғрида ёзма равишда огоҳлантиради.

5.2 Форс-мажор ҳолати содир бўлганда томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларидан озод этиладилар, корхонанинг тугатилиши , раҳбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий қийинчиликлар каби форс мажор ҳолатига кирмайди.

5.3 Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ҳолларда иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

5.4 Томонларнинг манзили, корхона номи, хисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳамда 10 кун ичида ёзма мурожаат этиши шарт.

**6. Шартномани муддати**

6.1 Ушбу шартноманинг муддати “04” ___01___ 2022 йилдан « 31 » Декабр 2022 йилгача белгиланади.

6.2 Шартномани муддатидан олдин тўхтатмокчи бўлган томон иккинчи томони бу ҳақида бир ой олдиндан ёзма равишда огоҳлантиради, акс ҳолда шартнома шартлари ўз кучини йўкотмаган деб ҳисобланади.

6.3 Томонлар шартнома муддати тугагандан сўнг ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор қилгунга қадар ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади.

6.4 Ушбу шартнома бир ҳил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

**7. Тарифларнинг юридик манзилгохлари ва тўлов реквизитлари**

| **«Хизмат кўрсатувчи»** | **«Буюртмачи»** |
|---|---|
| **Наманган вилоят "Тоза худуд"ДУК** | АТБ Қишлоқ қурилиш банк Поп. филиал |
| **Х/Р: 22604000600781851011** | **Х/Р:** 16103000 700000 240001 |
| **МФО: 00223** | **МФО:** 00240 |
| **ИНН:304937222** | **ИНН:** 201602960 |
| **Ф.Ўришев**________ | И.И. Амиров **(имзо)** |
| **М.П** | **М.П** |

POP TUMAN FILIALI

**ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА-ХУЛОСАСИ**

Ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида хуқуқий экспертиза қилиб шартнома лойихаси қонунчилик хужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

**Ҳуқуқшунос _______Қамбаров Кутбиддин Махаммаджанович**

**Лицензия ЮК № 004791**